

Абдурашид
Нурмуродов

ҚОНЛИ ЙҮР- ГАКЛАР

Афғонистон...

Ун йиллар мобайнида дуне ахли бу юрт тупрогида
бораётган қонли уруш хақидаги ҳақ сўзни
эшитишга илҳак булди...




Абдурашид
Нурмуродов

ҚОНЛИ ЙЎР- ГАҚЛАР



Т о ш к е н т 2 0 1 6



УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

Н – 87

Нурмуродов, Абдурашид

Қонли йўргаклар. Абдурашид Нурмуродов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 512 б.

ISBN 978-9943-27-753-3

Бутун-бутун халқлар ва миллатларнинг урф-удумлари, минглаб-миллионлаб йиллик турмуш тарзларининг тажовуз-қорона поймол этишга уриниш инсоният тарихида ҳамиша ўша тажовузкорларнинг ўзига битмас-туганмас офатларни келтирган ва келтираверади.

Улуғ шоирлару, эътиқоди йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди-ган саботли, танти инсонларнинг бешиги бўлиб улғайтирган муқаддас афғон тупроғининг бугунги кунда қонли йўргакка менгзатилиши бежиз эмас.

Ул диёр эндиликда оддийгина афғон юрти эмас, бизнинг хужайра-хужайраларимизга тарқаган оғриқли жароҳатлар, нолалар гўшаси ҳамдир. Бу китоб ўша оғриқларнинг миллиондан бир улуши сифатида муаллифнинг юрагидан отилиб чиқиб, юрак қони билан ёзилгандир, азиз китобхон!

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-27-753-3

© Абдурашид Нурмуродов, «Қонли йўргаклар». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

*Неъмат АМИНОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

ҚОН САЧРАГАН АРМОНЛАР
Абдурашид Нурмуродовнинг «Қонли
йўргаклар» китобини ўқиб...

Бу китобни дастлаб ўтган кўкламда ўқиган, анча кунлар таъсирланиб юрган эдим. Ҳатто бир нарса ёзмоқчи ҳам бўлувдим. Иш кўпайиб, таассуротларимни муаллифга айтиш билан чегараландим, холос. Бугун яна шу китобни варақладим. Варақладим эмас, гўё қон шимдирилган бир чойшабни қайта бошимга тортгандек бўлдим. Наҳотки, туш кўраяпман... Бармоқларим чилп-чилп қон, кийимларимга, юзларимга қон сачрагандек. Нуқул энтикаман, димоғимда аччиқ, тахир тутун ҳиди, жизғанақ бўлиб қоврилган гўшт иси... туйқусдан жанггоҳда жони қоврилиб, кўзларида умид чўғи сўнган, бесаранжомлик қопқонида ожиз типирчилаётган қоп-қора, жингалак сочлари қонга беланган ўсмирни кўраман... Юрагим қонга, зардобга тўлади. «Ё, Аллоҳ, бу гўдакнинг гуноҳи нима? Унинг ҳам яшашга ҳақи бор эди-ку... Ялмоғиз уруш – бу қон, бу – бевақт узилган жон, бу – ажал, бу – ўлим, бу – йўқлик. Кимга керак бу йўқлик?...» дея пичирлайман. Бурунларим ачишиб беихтиёр қаттиқ аксираман, қўлимдаги китоб гиламга учиб тушади. Ичдан «Ҳаққас рост!» дейман-у дарҳол китобни ердан кўтариб, авайлаб, силаб қўяман. Чунки бу китоб шаҳидлар ҳақида, қўлидан, оёғидан, кўзидан ажралган ногирон фарзандлар ҳақида, севгилисидан, нашъу намосидан, армонию наслидан бир умрга жудо бўлган ўғлонлар

ҳақида, уларнинг доғида куйиб, шамдек сўниб бораётган ота-оналар ҳақида, ниҳоят уларни шу ҳолга гирифтор қилган беёқа (ушлай десак), беном (сўкай десак), бенишон (нишонлар киндиккача. Кимга керак?) жиноятчи кимсалар ҳақидадир.

Афғон тупроғида шаҳид бўлган Ҳамробой деган ҳамқишлоғимнинг болалиги эсимга тушиб кетди. Бирда у юзлари тимдаланган ҳолда бувасининг ёнига келувди. «Нима бўлди?» «Ҳиччи». Буvasи: «Нега башаранг қон?» – деб сўради. Ҳамробой: «Аҳмад билан уришдик», деди-ю, бепарво юзини енгига артиб олди, сўнг енгигадаги қонни кўриб, беихтиёр хўнграб йиғлаб юборди. Шунда буваси: «Йиғлама, болам, – дея уни юпатган эди, – нега уришасизлар? Уришни итларга чиқарган, улар ҳам бекордан-бекорга эмас, суяк талашиб уришадилар. Ахир сизлар ит эмас, одам фарзандисизлар-ку! Бор, уришманглар».

Ибратормуз бу танбеҳ икки қишлоқ боласи ўртасидаги оддийгина тимдалашга берилган баҳо. Хўш, агар уруш икки қавм, икки халқ, қўйингки, бутун бошли миллатлар ўртасида бўлса-чи, уни нимага қиёслаш мумкин? Уришувчиларни-чи? Дарё-дарё тўкилган қонларни-чи? Ахир, бу бети тимдаланган, афғон жангида шаҳид бўлган Ҳамробойнинг енгигадаги қон доғи эмас-ку. Бизда ҳамиша азал-азалдан урушга, уришқоқларга лаънат ўқилган, муқаддас китобимиз, донишманд ота-боболаримиз ҳамиша қон тўкишни қоралаб келганлар. Чунки уруш ҳеч кимни кечирмаган, ҳеч кимдан миннатдор бўлмаган. У ёвуз сайёддек фақат ўлим излайди. Қўрғошин парчасидан ёрлиқ тақишга ишқивоз.

Абдурашид Нурмурадовнинг «Қонли йўрғақлар» китоби жангчиларнинг аччиқ хотиралари мажмуаси. Китоб саҳифаларига кўз югуртирган сари урушнинг

қиёфаси чавақланиб ташланган, ичаклари тигдан минг бўлакланган, юраги темир панжада эзгиланаве-риб пучмайиб қолган анордек, сочлари калла териси билан бирга шилиб олинган нораства гўдак тимсоли-да қаршингда гавдаланаверади. Уруш ҳақида ёзил-ган китобларни кўп ўқиганмиз, ғалаба нашидасидан завқланиб, мағлуб душман устидан кулганмиз. Ки-тоб охиригача янграган «Ура!» садоларидан сармаст бўлганмиз... у китоблар сохта ватанпарварлик билан йўғрилган ёлғон жангномалар эди.

Абдурашид китобининг асосий фазилати эса унда ёлғон йўқлиги. Уруш бутун даҳшати билан, сиру асро-ри билан киши кўз ўнгида намоён бўлади.

Китобда уч фронт – Иккинчи жаҳон уруши, Афғон уруши ва ниҳоят, «Пахта фронти» фожиалари қаламга олинади. Муаллифнинг отаси – Иккинчи жаҳон уру-ши ногирони, онаси – самолёт пахтага дори сепганда заҳарланиб, оқ қон касалига чалинган, укаси Абду-воҳид Эргашев – афғон жангидан бир қўли ва кўзидан ажралиб қайтган. Ана шу шахсий фожиалар қонли маржонига юзлаб афғон жангчиларининг жонли хо-тиралари усталик билан терилади.

«Қонли йўрғаклар» – юракдан сўзлар кўз ёшидек сизиб қоғозга томган оталар йиғиси.

«Қонли йўрғаклар» – бурни, қулоғи ва оёғи ке-силган, оғриқлар азобидан тилларини чайнаб ташлаган аскарнинг қонталаш фарёди.

«Қонли йўрғаклар» – мажруҳ ўғлини қайта йўр-гакка беллаган, сочлари оппоқ, йиғидан кўзлари хи-ралашган оналарнинг армонли қўшиғи.

Китобни ўқиган сари тўғри ва чўғли сўзлар жизил-лаб нигоҳларингга тирмашади:

«Болтада ҳафсала билан чопилган гўштни кўрган-мисиз? Худди шундай, оёғим майда-майда бўлакларга

бўлиниб кетганди. Ғарчча кесиб ташлангандек оёқларим панжаси ҳалқоб устида юқорига қараб ётар, тасаввуримда ер остидан бармоқлар ўсиб чиққандек эди».

«Туғма кўр бўлсанг, унча билинмаса керак. Аммо ҳозиргача ҳамма нарсени кўриб турган одам бундай кунга тушса, ёмон экан. Бутун дунё қоврилиб қолгандай бўлар, мина-пинани, граната, снарядни, ҳамма-ҳаммасини яратганлар ҳозир ёнингда бўлса, бурдалаб ташлагинг келади. Падарига минг лаънат, ўшалар учун яшаб келаётганларни...»

Бу урушга, ажал ихтирочиларига ногирон жангчининг юрак-юрагидан чиқарган ҳукми эмасми?

«Э-э, лаънати мина! Ҳаммаси ўлиб ётибди. Бирининг боши узилиб кетган, бирининг оёғи, бирининг кўзи ёнига шундай оқиб тушиб, ўрнида қон сизмоқда. Калла ҳам худди тарвуздай иккига бўлиниб кетар экан. Уни айтиш қийин дедим-ку. Мана яна бошим оғрий бошлади».

Жангчи урушни хотирлагиси келмайди. Тўйиб бўлган бу манзаралардан. Лекин начора? Хотира – фойдага қолган умрлар шамчироғи. Армонли, таҳқирли юраклар билан диллашиб, сирлашиб, бу хотираларни оппоқ қоғоз юзига кўчириш унчалик осон кечмаган. Китобдаги «Қонли дарё»га чўмиламан», «Ёнаётган одамлар», «Қабрни қайта кавлаганмиз», «Мангу тушлар» сингари эсселарни ўқиганда дардлар, оғриқлар, йўқлик билан борлиқ орасидаги тўқнашувлар қалбингизни ларзага солади, беомон, даҳшатли урушга нафрат уйғотади.

Афғон уруши. Биров уни «интернационал бурч» деди, биров биродаркушлик, яна биров босқинчилик уруши, деб баҳолади. Кўплар бу ўзга мамлакатдан «душман» излади. Ниҳоят, бу урушни тарих «номақбул сиёсат» хатоси деб баҳолади. Хато эмиш. Минг лаънат бундай қонли хатога!

Ана шу хато туфайли қанчадан-қанча норғул йигитларнинг умри тошдай чақилиб, тўзиб кетмади дейсиз; қанчадан-қанча ота-оналарнинг сочлари бевақт оқариб, кўргиликнинг аччиқ зарбасидан навқиронликдаёқ кексаймадилар, дейсиз; неча-неча хонадонларда деворга осиглиқ «кемтик нон» – жангчининг насибаси муаллақ қолди... Жаҳаннам ўчоғига айланган афғонлар ери шаҳидларнинг қонидан алвон тус олди...

Ана шу хато қурбони бўлган кишилар фашизмни қораладилар, лекин ўзлари фашизмдан дарс бердилар, босмачиликни қораладилар, лекин ўзлари босмачилик қилдилар ва бошқаларни шунга даъват этдилар, ўзлари ўзгалар юртига бостириб кириб, ерли халқни «душман», «босмачи» деб айбладилар. Бу ҳар қандай империянинг ўз босқинчилигини хаспўшлаш мақсадида тўқиб чиқарган ёрликларидир. Ҳамма нарсани хаспўшласа бўлар, лекин ноҳақ тўкилган қонни, бевақт узилган жонни, адолатни хаспўшлаб бўлмайди. Бу гал ҳам тарих ҳақиқий босқинчиларнинг хашагини аёвсиз очиб ташлади.

«Қонли йўргаклар» муаллифи жангчиларнинг «минг бир фожиага ватан бўлган хотиралари»ни тинглаб, қалб кўзгусидан ўтказиб, ўқувчи ҳукмига ҳавола қилиш билан она заминимизни кўз қорачиғидек асрашга, уни инсон қони билан эмас, балки қуёшнинг мусаффо нурлари билан ювиб ардоқлашга чорлагандек бўлади. Зотан, бу энг юксак, энг олижаноб ва масъулиятли туйғудир.

Ана шу инсоний туйғу сабаб «Қонли йўргаклар»нинг муаллифи уч йил ишсиз юриб, қон-қариндош ва дўстларидан қарз кўтариб бўлса-да, бу ёғи республикамизнинг барча вилоятлари, Марказий Осиёнинг Ўш, Хўжанд, Чимкент, Олма-ота, Душанбе, Тошхөвүз, Чоржўй... у ёғи Москва, Санкт-Петербург шаҳарлари-

даги афғон жанги ногиронларини излаб топиб, улар билан суҳбатлашди. Буни у шуҳрат учун, пул учун қилмади, балки савоб учун қилди, шу китобим афғон ерларида шаҳид кетган жангчиларнинг руҳига ёқилган бир шамчиноқ бўларми деб қилди.

Иншооллоҳ, шу ниятига эришди, деб ўйлайман.

**«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»,
22 январь, 1993 йил**

*Қаҳрамон ХЎЖАЕВ,
учувчи, захирадаги полковник*

УЛАР БИЛАН БИРГА БЎЛГАНМАН

«Дилда дардинг бўлмаса, сар дафтаримни кавлама», деб ёзган эди ҳазрати Машраб. Дарҳақиқат, тил яраси битар, аммо дил яраси битмас. Бунинг устига ушбу хотиралар юрак ярасининг кўзини очса, нақ қон силқиб оқкудек бўлади. Бу дард бутун бир авлоднинг дарди, яраси. Унинг давоси ҳам битта – ҳақиқат! Ҳақиқат бўлганда ҳам бўялмаган, қўшиб-чатилмаган, аччиқ ва даҳшатли ҳақиқат. Ҳаммамиз ана шу ҳақиқат аро юриб ўтишимиз зарур, акс ҳолда биз ўзимизни яна бир бор алдаган бўламиз.

Абдурашид Нурмуродовнинг «Қонли йўргаклар» китоби ушбу ҳақиқатни англаш йўлидаги илк қадам бўлгани учун ҳам жуда муҳимдир.

Тарих ҳали ушбу фожианинг туб моҳиятини, асл сабабларини англаб етади, албатта. Ҳали яна кўплаб китоблар яратилажак, бегуноҳ тўкилган қонлар ҳақида кинолар суратга олинажак, афғон, рус, ўзбек, украин, тожик, қозоқ ва бошқа халқларнинг ўғлонлари, уларнинг оилалари ҳақида ҳасрат билан сўзлаяжакмиз. Ҳали «энг адолатли» давлатнинг «энг адолатли» партиясининг бош котибини афғон халқининг «ёрқин келажаги» учун уруш бошлаганига ким ва нима мажбур қилганини билишимиз керак.

«Қонли йўргаклар» китоби эса бу ҳаёт ва ўлим ҳақидаги ҳақиқати, бурч ва виждон, чин дўстлик жасорати ва сотқинлик ҳамоқати ҳақидаги китобдир. Мен бугун булар ҳақида сўз юритишга ўзимни ҳақли санайман. Сабабки, биринчи кундан бошлабоқ, китоб қаҳрамонлари билан ўша қонли воқеалар гирдобида



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/1536> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1536> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1536>